НОТИНЧ ОИЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор
Бозорбоев Жавоҳир Дилшод ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 312-ўқув гуруҳи курсанти

Аннотация: Мазкур мақолада нотинч оилалар билан ишлашда профилактика инспектори фаолиятини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Профилактика инспектори, нотинч оила, профилактика фаолияти, ижтимоий хавф, самарадорлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация: В данной статье освещены правовые и практические аспекты эффективной организации деятельности инспектора по профилактике при работе с неблагополучными семьями.

Ключевые слова: Инспектор профилактики, неблагополучная семья, профилактическая деятельность, социальная опасность, эффективность, профилактика правонарушений.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Оила — жамиятнинг энг асосий ва муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг барқарорлиги ва осойишталиги ижтимоий тинчликнинг кафолати ҳисобланади. Шунинг учун оила-турмуш соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, масалан, оила аъзолари ўртасидаги низоли ҳолатлар, зўравонлик, спиртли ичимликка, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мойиллик, руҳий саломатлик билан боғлиқ муаммолар, аҳоли ҳаётида муҳим ижтимоий таҳдид ҳисобланади.

Оила тор маиший тушунча эмас. У ижтимоий жамоадир. Бинобарин, оила жамиятнинг бир бўлагидир. Ўз навбатида оилалар бирлашиб жамиятни ташкил

этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Оила қон-қариндошлик, қариндошчилик (никоҳ орқали) ёки бирга истиқомат қилиш орқали боғланган одамлардан иборат ижтимоий гуруҳдир.

Бежизга **давлатимиз раҳбари** “...Халқимиз азалдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб келади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият барқарор бўлади. Бир нарсани унутмаслигимиз лозим: хонадонларимиздаги тинчлик-тотувлик, аввало, оиладаги соғлом муҳитга мустақил ҳаёт остонасида турган қизларимизни оилавий турмушга тайёрлаш билан бевосита боғлиқ”[1] , эканлигини таъкидламаганлар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруғи”да нотинч оила қуйидагича таърифланган:

“Нотинч оила — оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилган, оила-турмуш муносабатлари доирасида низоли масалалар мавжуд бўлган ёки сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахслар яшайдиган оила”.

Шунингдек, оила-турмуш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексида белгиланган. Ушбу ҳуқуқий асослар профилактика инспекторлари фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим ҳуқуқий заминни ташкил этади.

Ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони ва унинг қўшимчалари, жумладан “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари вазифалар рўйхати, нотинч ва муаммоли оилалар билан ишлашнинг аҳамиятини очиқ кўрсатади. Хусусан:

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги – оила институтини мустаҳкамлаш ва “Соғлом оила — соғлом жамият” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган давлат сиёсатини юритади, нотинч ва муаммоли оилаларга манзилли кўмак берилишини таъминлайди;

Профилактика инспекторлари вазифаларидан, хусусан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ҳимоя ордерини бериш ва унинг ижросини назорат қилиш ҳамда ҳар бир оилани жойида ўрганиб, жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи (2020 йил 25 декабрь) / https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevningozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi

бартараф этиш чораларини кўриш, фаолиятнинг қанчалик жиддий ва масъулиятли эканлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, оила-турмуш муносабатлари ўзининг маълум бир доирасига эга, бу доира, аввало, никоҳ, қон-қариндошлик, оилавий ришталар ёки маълум бир сабабларга кўра, бир-бирлари билан боғланган бир гуруҳ шахсларнинг шахсий муносабатларга киришиши билан тавсифланади. Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги шахслар томонидан бирбирига нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилиши “оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик” ҳисобланади. “Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарлик” деганда, оилада унинг аъзолари ўртасида содир этиладиган низо, келишмовчилик ва жанжаллар оқибатида (эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил ва бошқалар ўртасида) юзага келадиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик тушунилади. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ўрганилиши жараёнида, асосан, эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатларни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Чунки оила муҳити мувозанатини эр-хотин сақлаб туради.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан, маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилиши қайд этилган. Бинобарин, ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этиладиган хулқ-атвор бўлиб, унинг натижасида шахс, жамият ва давлат манфаатларига жисмоний, моддий ёки маънавий зарар етказилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг қуйидаги моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилиши мумкин: туҳмат (МЖтК 40-м.); ҳақорат қилиш (МЖтК 41-м.); шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш (МЖтК 461-м.); болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (МЖтК 47-м.); енгил тан жароҳати етказиш (МЖтК 52-м.); майда безорилик (МЖтК 183-м.); вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖтК 188-м.); дояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (МЖтК 1881-м.).

Профилактика инспектори нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш, уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни

мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган ёт хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри ишлашни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак нотинч оилалар билан ишлаш профилактика инспектори фаолиятининг энг масъулиятли йўналишларидан биридир. Фаолиятни самарали ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни тўлиқ билиш, оилаларни аниқлаш ва мониторинг қилиш, давлат ва жамоат институтлари билан яқин ҳамкорлик, жабрланган шахсларни ҳимоя қилиш ва профилактика чораларини мунтазам амалга ошириш зарур. Шу билан бирга, фуқаролар ва оила аъзолари билан тарғибот ва ҳуқуқий маслаҳатлар орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу чоралар нотинч оилаларда ҳуқуқбузарлик содир бўлиш эҳтимолини камайтиради, оила институтини мустаҳкамлайди ва жамиятда ижтимоий тинчлик ва хавфсизликни таъминлайди.

Фойданилган адабиётлар:

1. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги ВМ–801-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ–1-сонли қарор.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ–253-сон қарор.